
Тошлоқ туманида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти сони яна биттага ошди

Қанжирға маҳалла фуқаролар йиғинида давлат хусусий шерикчилик асосида 100 ўринли "Омадбек зиё маскани" номли нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг бунёд этилиши болажонларга мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида муносиб совға бўлди.

Тадбиркор Қурбонова Гулчеҳрахон ташаббуси билан қад ростлаган болажонлар масканининг очилиш маросимида туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев, сектор раҳбарлари ва мутасаддилар иштирок этишиб, нодавлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Туман ҳокими тадбиркорга ва ходимларга керакли тавсиялар бериб, муассасанинг янада ривожлантириш, кенг имкониятлар яратиш учун ҳар бир муаммоли масалани ечимини топишга тайёр эканлигини таъкидлаб ўтди.

2020-08-19 18:55:38